



# СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,  
Ўзбекистон ССРОлий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН  
ЧИКА БОШЛАГАН

26 ноябрь 1972 йил, якшанба

№ 278 (15.449) Баҳоси 2 тийин.

## КРЕМЛДА ҚАБУЛ

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 24 ноябрда Кремлда Яман Халқ Демократик Республикасининг Президент Кенгашининг Раиси, Миллий фронт Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари Салим Рубайи Али билан учрашди. Ҳар иккала томон самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида икки томонлама муносабатлар соҳасида ҳам, СССР ва Яман Халқ Демократик Республикасида таълимий-маданий муносабатларнинг ҳаётли соҳасида ҳам Совет — Яман ҳамкорлигини янада ривожлантиришга нитидаётганини таъкидлади. Яман Халқ Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқида қилган вазияти натижаларидан ҳар икки томон мамнуи эътибори вақтида қилинди. Бу вазиятнинг натижалари ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларига ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига мос бўлиб тушади.

## ВИЗИТ ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таълиғига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган ЯХДР, Президент Кенгашининг Раиси, Миллий фронт Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари Салим Рубайи Али бошчилигида Яман Халқ Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 25 ноябрда Москвадан кўнуб кетди.

ЯХДР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромда меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари И. С. Гривушев, СССР Олий Совети Президиумининг сирьятарши М. П. Горбачёв, СССР тарқиш ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ЯХДРнинг Совет Иттифоқидаги елчиси Аҳмад Солиҳ аш-Шаер ҳам бор эди.

Аэродромда Москва гарнизони кўшиқларидан туюлган фахрий қоровул саф тортиб турди. Икки мамлакат давлат гимнлари ижро этилди. А. Н. Косигин билан Салим Рубайи Али фахрий қоровул сафи олдида ўтадилар.

Москва меҳнаткашларининг намоёндалари аэродромда дўст мамлакат вакилларини кузатиб қолдилар.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари П. Н. Демчов 20 ноябрдан 25 ноябргача Совет Иттифоқида бўлган ЧКП Марказий Комитети бўлим мудири Я. Обина, В. Бейдана, ЧКП Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари А. Заворона қабул қилиди ва улар билан самимий дўстона суҳбатлади.

Чехословакиялик ўртоқлар мамлакатимизда бўлган чоғларида КПССнинг идеология ишлари, оммавий информация воситаларига, илмий муассасалар ва ўқув юртларига партия-ҳукумат раҳбарлик соҳасидаги тажрибаси билан танишдилар. Илеология соҳасида КПСС билан ЧКП ўртасида ҳамкорлик мисаллари муҳокама қилинди. (ТАСС).

## САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Совет Иттифоқи меҳнаткашларидан, партия ва жамоат ташкилотларидан, корхоналар, кўришлар, колхоз, совхозлар ва муассасаларнинг коллективларидан, Совет Армияси ва Флотининг жаҳондаги меҳнаткашлари ва телеграммалари охиши. Чет мамлакатлардаги коммунистик партиялар, миллий-демократик ва сўл социалистик партиялар, ҳукуматлар, давлат арбоблари, сиёсий ва жамоат арбоблари, демократик ташкилотлар ва айрим граждандар ҳам табринома кўйилдилар. Ана шу шонли сана муносабати билан олинган табриномаларда Октябрь Ватани шайнса энг ахши истаклар изҳор қилинган.

Чет эллардаги дўстларимиз ўзларнинг табриномаларида совет халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида коммунистик жамият қурилишида эришган муваффақиятларига юксак баҳо бердилар. Табриномаларда елоҳида таъкидлаб ўтилганидек, КПСС XXIV съез-

да қабул қилган ва жаҳон сийёсатининг таъсирчан омилли бўлиб қолган тарихий тинчлик программасининг изчиллиги билан ва қатъий амалга оширилатганига халқро кескинлиги юмшатишга, турли йиқимий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принципларини бундан бун ҳам қарор топтиришга, тинчлик ва соҳал тарқиқат учун курашётган барча тараққийларар кучларини янада кўпроқ жипслаштиришга жуда катта ёрдам бермоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети самимий табриклири ва совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва СССР ҳукуматига изҳор қилган энг ахши истаклари учун СССРнинг барча меҳнаткашларига, партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар ва муассасаларнинг коллективларига, коммунистик партиялар, миллий, демократик ва сўл социалистик партияларга, ҳукуматларга, давлат арбоблари, сиёсий ва жамоат арбобларига, демократик ташкилотларга, чет эллардаги барча дўстларимизга чин кўнгилдан самимий ташаккур изҳор қилдиладар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## ЧОРВАДОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ

# ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Партия ва ҳукуматимиз чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини тиймай ошириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилиб келибди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авк олдириш тўғрисидаги қарори ана шу ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Биз бу қарорни ўқиб чиқиб, атрофимизда муҳокама қилдик. Ундаги қимматли фикрлар ва қўйилган вазифалар юзасидан бир қатор амалий тадбирларни ишлаб чиқдик. Бу тарихий қарорда чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини янада қизитиш, мусобақа ғолибларини тақдирлаш ва рағбатлантириш, уларнинг шахсий манфаатдорлигини ошириш ҳақида қимматли вазифалар қўйилган. Унда баён этилган фикрлар чорвадорларимизнинг кўнглидаги галларидир.

Қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш кўп жиҳатдан чорва қишлоқини намунали ўтказишга боғлиқ. Шундан эътибор, чорва қишлоқ — чорвадор учун муҳим синов бўлади. Албатта, Бу синовдан муваффақиятли ўтиш учун энг аввало молхоналарнинг ремондан чиқариши, чорва сув қилдиган қудуқларни тартибга келтириши, фермаларни мунтазам сув билан таъминлаш ва мустаҳкам озуна базаси яратиши керак. Бунга амал қилган чорвадор туғилин қилганда, сув билан таъминланган бўлади. Биз ана шундай қилишга тийишдик.

Фан ва техника инжилликлари зоотехника ва зооветеринария фани ютуқлари, энг ахши илгор тажрибалар чўпонлар ва молхоналар ўртасида чуқур ўрганилиб оммалаштирилмоқда. Қорамолларнинг наслдорли-

гини яхшилашда катта ишлар қўлдир. Хўжалигимиздаги мажнуд соғин ситгарларнинг 75 проценти зотли ситгарларга алмаштирилди. Бу эса, чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишда муҳим роль ўйнаётди. Молларни бурдонга боқиб, ситгарларни қисир қолдирмаслик, бузоқ олиш анча ахшилади. Туёқларнинг соғин кескин кўпайтирилади. Совхозимизда асосан гўшт етиштирилади. Ўтган йили қорамолларнинг соғини охири, бузоқ олиш топшириги анча ошириб бажарилди. Давлатга гўшт, сўт, туҳум ва бошқа чорва маҳсулотлари соғини топширишнинг мўддатидан илгари 120 этилди. Бундан совхоз 129 минг сўм соғин соғини қўлдирди.

Туғилинчи беш йилликнинг иккинчи йили — СССРнинг янги асрилик олтин юбилейи йили бўлади. Биз бу юбилейга мунособ соғва тайёрлаймиз. Асосий эътиборни чорвачиликни ривожлантириш ва унинг ҳамма соҳаси бўйича маҳсулдорлигини оширишга қаратаймиз. Бу йил қорамоллар соғини пландаги 12435 болидан 13850 бошга кўпайди. Яъни, қариб беш йил ичида қорамоллар 1415 бошга охири. Пландан 2786 ўрнидан 2843 та соғлом бузоқ олинди. Йил охиригача яна 357 бузоқ олиш кўзда тутилган. Бу ўрнида энг ахши чорвадорларимизнинг ҳиссаси катта оғанидигини эътиборга олиш керак. Жамсимумдор Албоб, Амет Чалдарбоев сингари чорвадорлар бузоқ олиш планларини 110-125 процандан ошириб бажаришди. Бу зоклар қилинган зооветеринария қондалари асосида парвариш қилинди. Белгиланган район асосида озуна берилди. Бу эса уларнинг вазнини тез оширмоқда. Ўтган йили давлатга ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 298-300 килограммга етказиб топширилган бўлса, бу йил ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 311 килограммдан оширилди. Совхозимиз эса бундан

катта фойда олишга муваффақ бўлмоқда. Бир центнер гўштининг таннархи пландаги 132 сўмдан 126 сўмга тушмоқда. Қўриқ турбодига, қорамолларни бурдонга боқиб уларнинг тапшириш арзонлаштиришга олиб келатди. Бу йил чорвачиликдан 250 минг сўмдан кўпроқ соғин фойда олишни мўд жалайлашимиз.

Қишлоқ — синов деди халқимиз. Биз, чорва қишлоқига анча илгари тайёрларлик кўрдик. Бир ярим-икки йилга етган миқдорда етказилган жамсимумдорларнинг ҳар бири 200 килограмм ва ундан ҳам охири мўмин. Қорамолларнинг тирик вазни эса 400 килограммга етиши турган гап. Ана шу янги ерларни ўзлаштиришга сарфланган капитал маблағ эса икки-уч йилда узини тўла қолайди.

Биз ана шу масивлардаги бир ерларни ўзлаштириш ва ун чорвачиликнинг етказилган базасига айлантириш учун бир неча марта Ўзбекистон ССР Совхозлар министрилиги ва «Гласност» трестига мурожаат қилдик, талаблар қўйдик. Лекин, талабларимиз ҳамон амалга ошганича йўқ. Бу ишга Э. Тасабов ва В. Манатор ўртоқлар эътибор бермай келатди. Натижада совхозимизда чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги режаларнинг қўчилиги амалга ошмай қолаётди. Агар ана шу бўш майдонлар ўзлаштирилса, чорвачиликни янада тараққий этириш астибболари кенг қолайди. Министрлар билан тегишли ташкилотлар бу ҳақида яна бир бор ўйлаб-қўйишлари керак.

## ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР


Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари К. Р. Ризаев ҳозир бўлиди. Меҳмонлар тушдан кейин СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси павильонларига келидилар. Бу павильонларда республиканинг тажрибаси ва муваффақиятлари тўғрисида лекция ўқилди. Жумладан, республиканинг таълимий физик олимлари «Атом энергияси» павильонда лекция ўқидилар. «Машинасозлик» павильонда меҳмонлар пахтачилик учун ери тисловли ва селжалардан бошлаб терим қомбайларига машиналарни ишлаб чиқарувчи бутун бир корхоналар комплексининг иши тўғрисида хўжа қилиб бердилар. «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш» павильонда

Ўзбекистон конструкторлари ва олимларининг янги ишлари тўғрисида, машҳур деҳқонларнинг тажрибаси тўғрисида лекциялар ўқилди.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари павильонларда қўйилган машҳур пахтакорлар, олимлар билан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари билан учрашдилар. Булар орасида Беруний номи совхоздан механик-ҳайдовчи, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати П. Рўзимова, республикада хизмат кўрсатган ер тузувчи, профессор П. К. Татур, Оққўрғон райо партия комитетининг секретари С. М. Томир, Хоразм «Областадаги «Тошкент» колхоз механикаторлар бригадасининг бошлиғи У. Нуруллаева ва бошқалар бор эди. Улар янги таълим меҳмонлари билан суҳбатлашдилар, уларнинг саволларига жавоб бердилар.

Москваликлар Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўзбекистон кўнлари давом этмоқда.

Тошкент область Юкори Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон» колхозининг меҳнаткашлари кузги шудгорини қизитиб юбордилар. Ҳозирги кунда далага чиққан тракторларнинг ҳар бири пландаги 3-4 гектар ўрнига 7-8 гектардан ер ҳайдамоқда. Юкоридаги суратда: колхозининг кенса ялғучиси Жумақул Бургуттов. Пастдаги суратда эса, шудгорлаш пайти.



## ЧОРВАЧИЛИК— ЗАРБДОР ФРОНТ

АНДИЖОН. 25 ноябрь. (ЎзТАГ). Область партия-ҳўжалик активи йилги хўжаликларда чорвачиликни янада ривожлантиришнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида область икромия комитети раиси П. Қайомовнинг докладини муҳокама қилди.

Инжилдиш иштирокчилари «1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авк олдириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қарорини қизитиб маъқуладилар.

Инжилда етказилган етиштиришни кескин кўпайтириш, моддий техника ресурсларидан ахши фойдаланиш асосида 1973—1975 йилларда чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

Партия-ҳўжалик активи йилги йилида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров нутқ сўзлади.

Инжилда КПСС Марказий Комитетининг инструктори С. З. Шпилёва қатнашди.

Таҳминлаш зарур. Бунинг учун эса катта майдонларга мажнуд хўжори, беда ва бошқа озуна-бўб экинлар экиш лозим. Хўш, ана шундай майдонлар районимиз территориясида етарлими? Етарли, Қозон неттан массивида 12 минг гектар, Жён саят массивида 6 минг гектар, Етти соғин массивида эса 12 минг гектардан эътибор бер.

Ана шу бекар етган майдонлар ўзлаштирилса, бу ерга ирригация иншоотлари қурилиб, сув келтирилса ана шу майдонларга озуна-бўб экинлар экиш мўмин. Ундан эса ҳар йили 12-14 минг тоннадан эътибор бер.

Биз ана шу масивлардаги бир ерларни ўзлаштириш ва ун чорвачиликнинг етказилган базасига айлантириш учун бир неча марта Ўзбекистон ССР Совхозлар министрилиги ва «Гласност» трестига мурожаат қилдик, талаблар қўйдик. Лекин, талабларимиз ҳамон амалга ошганича йўқ. Бу ишга Э. Тасабов ва В. Манатор ўртоқлар эътибор бермай келатди. Натижада совхозимизда чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги режаларнинг қўчилиги амалга ошмай қолаётди. Агар ана шу бўш майдонлар ўзлаштирилса, чорвачиликни янада тараққий этириш астибболари кенг қолайди. Министрлар билан тегишли ташкилотлар бу ҳақида яна бир бор ўйлаб-қўйишлари керак.

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 25 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стул — областлар, иккинчи стул — ҳайдашга майдон (янги гектар ҳисобидан) учинчи стул — пайини бажаришга проценти.			
Сирдарё	230,1	85,2	
Тошкент	164,4	75,6	
Наманган	85,5	67,8	
Хоразм	5,9	49,6	
ҚК АССР	20,6	44,6	
Андижон	66,4	37,9	
Самарқанд	52,1	21,7	
Фарғона	28,5	20,8	
Қашқадарё	20,7	15,5	
Бухоро	13,2	7,3	
Сурхондарё	9,8	7,1	
Республика бўйича:	697,0	41,6	

## ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«Среднефазгастро» трестининг коллективи СССР ташкил этилган йилининг 50 йиллигини мунособ кутиб олиш учун ўтказилган мусобақада катта муваффақиятга эришти: пуларат қурилиш, монтаж ишлари йиллик плани 25 ноябрда бажарилди.

Қурувчилар Наманган — Андижон магистраль газ қувурини тезроқ фойдаланишга топшириш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Урта Осий-Марказ газ қувури туртинчи наватининг янги участкасини берпэ этишни жадаллаштирмоқдалар. (ЎзТАГ).

## «ХОСИЛ БАЙРАМИ»ГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг катта ғалабаларини нишонлаш юзасидан шу йил 3, 4 ва 5 декабрда «Хосил байрами»ни ўтказишга қарор қилдилар.

Тошкент отчопарида байрам тантаналари, халқ санжалари, от спорт мусобақалари бўлади ва ярмарка очилади. Байрам тантаналарига юбилей йили социалистик мусобақасининг ғолиблари — барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР вакиллари, Тошкент ҳамда республикамиз бошқа шаҳарларининг меҳнаткашлари тақлиф қилинади. Тошкент отчопарига марҳамат! БАЙРАМНИ ЎТКАЗИШ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИ.

## МОСКВАДА ЎЗБЕКISTОН КўНЛАРИ

МОСКВА («Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ махсус муҳбирлари хабар қилди). СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Ўзбекистон кўнлари нишонлаш юзасидан республика делегацияси бугун ерталди. В. И. Ленин Маъволейини эътибор қилиди ва гулчамбарлар қўйди. Шундан кейин Ўзбекистон вакиллари В. И. Лениннинг Кремлдаги уй-музейида бўлидилар.

Делегация аъзолари Кремль девори биндиги Номаълум солдат қабрига бориб, гулчамбарлар қўйишди. Марсийларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов,

## УЛКАН ХИРМОНГА

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 25 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ (Бажарилиш проценти қўшимча топширик ҳисобга олинмай, давлат планига нисбатан берилди)

Областлар	Бир кунда	Маъмурий бошқаруш	Шу жумладан машина терими	
			Бир кунда	Маъмурий бошқаруш
ҚАШҚАДАРЕ	0,03	145,35	0,63	109,07
СИРДАРЁ	0,02	139,90	—	125,05
АНДИЖОН	0,12	123,29	0,12	137,39
НАМАНГАН	—	120,97	—	170,13
ТОШКЕНТ	0,02	120,93	—	110,20
ФАРҒОНА	0,21	117,34	0,08	114,93
СУРХОНДАРЕ	0,15	110,52	0,12	89,71
БУХОРО	0,32	108,12	0,52	87,88
САМАРҚАНД	0,31	107,64	0,23	96,27
ҚК АССР	0,39	96,58	0,15	80,28
Хоразм	0,48	95,67	0,81	91,75
Республика бўйича:	0,18	116,59	0,21	111,72
Шу жумладан илгичча топили пахта				
ҚАШҚАДАРЕ	0,05	151,59	—	—
СУРХОНДАРЕ	0,35	112,73	—	—
БУХОРО	0,62	110,41	—	—
Республика бўйича:	0,33	128,65	—	—



# СССР 50 Мушора



Этбор ОХУНОВА

## ИШЧИГА ХАЙКАЛ

Қоялар бардошим, уммон шмдатни  
Ишчидан ўргасин, зафар одимни.  
Хайлар дурсатни, бўрон қудратни  
Ишчидан ўргасин, меҳнатни одим.  
Оловкор, жиловор, бунёдкор ишчи,  
Гоҳи у чилангар, гоҳи у ёшчи.  
У — тарих асиди... яратар замон,  
У элга саркарда, у қилнамо.  
Ут толган тошларни тошларга уриб,  
Ўқ-ёйлар асқангаш яшаш қасдида...  
Кураслар домда у кўрак кериб,  
Ичкилоб қилган ҳам ишчи асиди.  
У пўлат эрипти асади қурол,  
У ёлга қалқон туш бўлди керакда.  
Бухоро тафтидан исинди Урол,  
Етказди оловни ишчи юракда.  
Ишчилар шаҳамлаб алп қадимни,  
Етгуси тез қанда коммунизмга.  
Янгила яшанинг режасин туган  
Шу жаноб, ҳазратни ишчи булади.  
Ишчи — бу ниқиллоб,  
Ичкилоб тоғи,  
Ишчи — бу янгила тузум дегани,  
Ишчи — бу талаб янгидан янги,  
Ишчисиз баракса, фойз бўлгани!  
Бир даъба кўлқот тут,  
Кел, хайкалтарош!  
Қулқот тут мен каби мушторларинга,  
Истайман, яратгин ишчи хайкал,  
Юрагин қонидан бер унга сайқал!  
Хайкални тошмасас,  
Ясагин фақат  
Коммунизм қасрини вештоқларига!

## ҲАЁТ

Ҳаёт — бу дақиқа,  
Бир он  
Бир тарих яратар баъзида,  
Бу кўзга, бу эзу дунёнинг  
Бир содо ҳар битта созида,  
Тоғчилар бирикса наҳрлар,  
Онларнинг жам бўлса — бу умр.  
Баъзада бир даъба наҳрдан  
Бир умр кўк бўлар лутф, меҳр.  
Даржа манда туғилар,  
Энг бўюн инсонлар оламда  
Онлар қалбда нур қулар,  
Нур келар эми-эми хонага.  
Бир оғиз аччиқ сўз тингидан  
Юракда газаблар ёғдуси.  
Қудратли гулханлар ёнгуси,  
Юракининг қатра бир чўғидан,  
Оловга чулғадим онларим,  
Тўғига кўрилди ҳар минут.  
Кетдилар, қайтара олмадим  
Юракда қолгани ёнқит.  
Онларим оловли, тўғибил  
Тўғилди бу ҳаёт наҳри ҳам,  
Бунингсиз селмадим дунёни,  
Олмадим ҳаётдан баҳра ҳам.  
Ҳар бир он бутуним, эртандир,  
Ҳар бир он бурчи бор етканда.

## ЕР БИЛАН СУҲБАТ

Утарлар у керза этиклар  
Ут кўйиб, ёндириб, топташиб,  
Аламдан она ер этиклар,  
Жаҳонда бомбалар портлаши

Тинмаган, тинмаган кўз ёшлар —  
Булуғлар тўсмакда қўшма,  
Кўл қолса келмакда қўшма,  
Тул қолса келмакда қўшма,  
Аламдан этиклар она ер,  
Олмасга кўз тиклар она ер,  
Онаман, онаман мен ахир,  
Она ер мен учун бир бағир.  
— Она ер, дардингни олай мен!  
— Йўй, аввал тингла сен юламин,  
Сизларга не керак одамлар,  
Ногодир бу дағал қадамлар!  
Ер дерсиз, ерлар мўл, беқудуд,  
Сиз тикон сансангиз гул тутиб  
Бог этиб берурман ян-яшил,  
Бас қилнинг, ўлдиринг, талашин,  
Битта дон ташланг, мен тоиналай  
Бир хилчин суқсангиз чинор мен,  
Сиз фарзанд, эркалай, аллалай,  
Бағримда ранжотмай эиндор мен,  
Нихоллар бандига тугай мен,  
Сиз учун мевалар шарбатин.  
Мен қонман — сиз учун туганмас,  
Хазина, бойлиқидир — ҳар қатим,  
Кўпайсин одамлар, шаҳарлар,  
Барига жой етар қўшмада  
Бомбамас, сиз чалкиг саҳарлар  
Ут кўйиб, топтаманг, ўқитманг!  
Афсуски, тўйгусиз бўлса дия  
Муҳаббат не қилур, не қилур!  
Шаҳарлар ёнса-ю бўлса кўл  
Она ер  
қўлдан не келур!  
Қуроллар ўринга одамлар  
Соз тутса қўлнга не қилур!  
Одамлар отмас атомлар  
Тилсиз, гул қўлидан не келур!  
Олмасда қишлоқлар ёндир,  
У ёнган мунис ер, онадир.

## УСТОЗ

У мисли қоядай,  
Қоялар қорин,  
Ногоҳи ёндирар қўшиб шуъласини,  
Юраги тўғибил, қалби баҳорли —  
То ҳануз ўқирман ишқ туғулмасини.  
Кўзларин қояда,  
Мен тоғ пойнда...  
Чўнг қанот элмайман,  
Дийдор кўзлайман,  
У битган бирор байт хабарин билсам,  
Ташнаман, мен ёнқит ўгли кўзайман.  
Кўёшдан ранг олар,  
Муҳаббатдан тот,  
У газаб битгуси ўгли хислардан,  
У танҳо, бечирок  
Илҳом йўқитиб,  
Аллалар, тун бўйи  
Қўтлуг илҳорини.  
У ёнса, яралар ёқиқинли

У ёнса, шуъладор бўлар кечлар,  
Бир сатр, гоҳда оламга тапир,  
Бир байт  
муштоқ дил билда  
ўлчанар.  
У тавасс, тўқилди кўнгли наҳрдан,  
Бир умр илҳағи тоза  
кўнгли.  
Ейнайин тоғанин ўтар баҳрдан,  
Екимас, ўт илҳор кезиб дунёни,  
Уватда чўчқина, чўнқирда қочқ,  
Ариқлар бўйида хўшбўй тўп ялғиз,  
Қоядай қалбнинг титратар... токи  
Шеър бўлиб!  
қўйилмас — у бетин, ёнғиз,  
Шудрингда учратар дийдор ашқини,  
Ғўнчада ўқинди тор дил қасфини,  
Севинса, кўнсиди баҳор тошқини,  
Ғам чекса, бардошми ҳам, додбабаси,  
Қоялар умрини сўрардим унга,  
Қоялар поклиги кўнсиди аён,  
Мен шоғирд, етолсам йўлнинг сўнгида  
Тиз чўкиб, пойини ўлғум бегумон,  
У дарё — тўқилди, серташвиш дарё,  
Оққуси бир умр суви лиммо-лим,  
Наздимда шеър билан ўйонур  
дунё,  
Наздимда шеър тиялар қоялар пол,  
жон.

Мен кўнглим бўшатсам, бўшатсам,  
Мен дардим ушатсам, ушатсам,  
Ортмасми бошқа дил нолиши!  
Ортмасми бошқа дил ёнғиши!  
Яхши, мен нолиш тингламан,  
Майлига, мен ёнш тингламан,  
Истайман, бардошим тоғ қилиб,  
Узгалар дилини чўг қилай.



Гулчехра ЖУРАЕВА

## САЛОМ, ОНА ЮРТ!

Қадим она юртга кириб бораман,  
Таниш чехралардан узайман кўзим,  
Кимнингдир сочига оқ ораган,  
Кимнингдир яна ҳам балқин солдурин,  
Дўғирчоқ ўйнаган дўғонларим,  
Болалик жолларим ҳар қарашимда,  
Чеклар халдан ўз оналигим,  
Минорага салла тўб айлақини,  
Ўзинга уфурар яхобдай салқин  
Мадраганинг очик дарвозасидан.  
Шўхлигим тўқилган ўша кўм — тевга  
Янги шаҳар каби менга нотаниш,  
Кўнка эйнаво — қаватлар тикик,  
Менда ҳам шаҳарда қанча унғайиш!  
Кўнка новча уйга ташлайман қадам,  
Танимак қилибман ёнғини доғимини,  
Яхшалак учинга жой топдик қайдан,  
Қандай сиздирилди ёшлик ҳазрини!  
Думоқча урилди хўшбўй жазо там,  
«Эангори оловда пишар паловхон»,  
О, ёнқин она юрт, тавожуб менга ҳам,  
Наҳот мен уйимда бир оилка меҳмон!  
Йиллар ошган сайин яшарар шаҳар,  
Авллоддан-авлодга ўтаркан инсон.  
Алмо офтоб каби узгармас яшар,  
Ҳамюртлар юзиди табассум, хандон.

## СУВ САҲРОСИ

Кўнгдаги зарра чўг остида денгиз  
Ёқилиб ётади ўз маконда,  
Туя ўрнанида денгиз нотекис,  
Бўриб сув саҳроси турар ёнмада,  
Сув саҳросисини бу, ё кўм денгизин,  
Икинси қариндош, хешдай афтидан.



Ешлик завари.

Унда ҳам, бунда ҳам куч ётар тенгсиз,  
Балки ер шарни ҳам шулар қафтида,  
Ундодай турман лол ва анқайиб,  
Дастлар чизинда вергудай митти  
Қирғоқда лопиллар қорайган қийиқ,  
Сузмақда шайларан абҳаз йиғити,  
Денгизнинг осмондай бағри кенг, улқин  
Чўмилар инсон ҳам, ой ҳам, қўш ҳам,  
Фанат инсон эмас қўшдай руҳ олган,  
Ундан кўч оллоқда гўё ҳам, тош ҳам,  
Қизик, мечагина денгиз эди тинч,  
Қаърига оллоқда бугун элзлла,  
Тўқин тепалиқлар ясаб силсила,  
Уқириб урилар гўёки йиртқич,  
Қирғоқда бош уриб бўлар минг парчин,  
Иртқич сўлағидай бир қирғоқ кўпки  
Дельфиндай сакрайди тўқинчалар тик,  
Билмадим, не кечар денгизнинг ичи,  
Филинги ҳазилдай қилиги ҳам бор;  
Қирғоқда турганин юлб кетади,  
Оҳ кетди, дегунча ўлқасин сер оёр  
Уша ўша жойга ташлаб ўтади,  
Менга йол қолдирар денгизнинг номи,  
Емгир савласа қирғондан тошар,  
Инсондай қаҳри, инсондай номи,  
Гоҳ соқин, гоҳ эса ҳадидан ошар.

## ВАТАН-СЕН ЮРАГИМ

Ватан — сен юрагим, юрагим сенсан,  
Юрагим сарҳад, пойсиз Ватан,  
Мусаффо кўнгли-ла қалбимга тенгсан,  
Қалба тиниқлики сен бердинг, зотан,  
Юрак томиримдай дарёлар туташ,  
Туташиб оқди Зарафшонин ҳам,  
Сабриим қаноатим — тоғинга ўхшаш,  
Қоялар мисоли мурод маҳкам  
Қалбимда очилган бир даста гулча,  
Сенинг боғларингда гуллаган ўрик,  
Ўрик гуллариндан ранг олмагунча  
Поклик учун қурашгум жон экан тирик,  
Дилмига тўқилар бир денгиз сўйиб  
Бошингда ташласа соя қаро кун,  
Кўёшдан узлиб эртитгум, ногоҳ  
Сен учун бўлсамда бир ҳовуч кўкун,  
Қалбим қадимга қўлогинг тутгил,  
Даврим шиддатдай — у мангунлик!  
Унинг амри билан мен меҳнатга қўл,  
Унинг амри билан бахтга маллик,  
Ватан — сен юрагим, сув, ҳаво, тилқак,  
Уйлама, юрагим тўғтар деб бир кун,  
Бир юрак ўринга солга ўн юрак  
Ҳада қилурману, сўнг бўлгум кўкун,  
Хар зарра туяроғини менга тўтиб  
Хинду сурмасидан тутарман афзал,  
Алмо ватарфурш дўч келиб қолса  
Қаҳрим ўқларига тутарман надал,  
Дилман эриктама унинг кўз бўйи  
Қаҳри шифат сўраб кўнгли чўзсар  
Шарфат эмас, ҳатто нафратни тошин  
Қафтига қўйишга қилман қазар,  
Ватан — сен юрагим, юрагим сенсан,  
Юрагим меҳробин — муқаддас Ватан,  
Шарфатин кўнгли-ла қалбимга тенгсан,  
Қалба муҳаббатни сен бердинг, зотан.

## ЁШЛИК ҚАСИДАСИ

Кўш кашф этолган бор ранглар ичра,  
Бунбул кўлоллаган оҳанлар ичра  
Шарфат туяларининг бир гулдириман,  
Кўшдиларнинг манзур усулдириман!  
Камалак яратган пок зарраларда,  
Мўйиналам чизмаган манзарларда,  
Бахти нгоҳларда порлаган ўтман,  
Ешликман, парвози юксак бургутман,  
Юракларда кетган ҳадиса армонлар,  
Бахтилар унутган ёдсиз достонлар,  
Номсиз маънуд бўлган олис юлдузлар,  
Кўнглини кўтарган саманни сўзлар —  
Нур, шуурдан соланган торман,  
Олам умридаги янги баҳорман!

Ешликман! Қадимки хўш келар элга,  
Мен очган дарёдан бўстон яшайди,  
Экан қўшларим кириб ҳосилга  
Азват чинордай соя ташлайди...  
Орзу-истакларин бердию қанот,  
Қарши чўларини айладим мақом,  
Унда пола каби товланди ҳаёт,  
Тупроқ қатларига киргизилди жон.  
Кун тингда терга тушиб ишларди,  
Фарҳод қилгандек Ширинга паймон,  
Қалбим ҳис қилдим — бу оддий

ишларим  
Кўзатиб турардим, Ватан — онажон!  
Кўзин қамаштирган сеҳри журдай  
Яриқлар турбсан бадавлат ўлка,  
Тоғ билан туташган бебобин қирда  
Олтин бурдойзорлар маъж урар қўрма,  
Енг шимариб ишга тушман эрта,  
Ҳар ённи тўлдирар бугуд гарам,  
Пешана термаки тўкиб, мен ердан  
Дон қилиб оламан, ўтказмай дамим,  
Мен янги қалғимда метин тоғларда  
Кўз очар мангуга битган қирқоқлар,  
Абда қовжирган кенг ўтлоқларда  
Кўшара бошлайди маъс-теъларда,  
Шоғирини баҳордан наҳронгача,  
Қадимки йўлдадир, тинч билмасман,  
Хорғин кўздан — қайноқ саратонгача,  
Қадимки йўлдадир, қўнқин билмасман!  
Худа-беҳудига сарғилар кўнларини  
Афсус-надоматда қолмоқ бир офат,  
Яшамок истайман кўш сизгари —  
Мардона, умилли, ҳанда беминнат!  
Токи йўларинда қолсин гул атр,  
Оташ дамларимнинг барқорор қадри.

Ешликман! Ғайратни кўшгани паҳза  
Тўқиндай киралан уммонларга мен,  
Кексаки қўларга асо тутқазса  
Чин тавни бўламан инсонларга мен,  
Менда — муҳаббатнинг сўлмас қудрати,  
Мен, ёшлик! Ватанин севдим онамдай,  
Ватан севгим каби дилда юради,  
Ер, ҳаво, сув мисли, буюк оламдай!  
О, Ватан, юракиниг кучи-қуввати,



Ойдин ҲОЖИЕВА

Онадай муштлар, отадай доно!  
Кўз олдими сенинг сулув суратинг  
Гўзаллашиб, тўлиб борар дом!  
Истикболнинг учун кечиб жондан  
Тав тормакй оловга кирди йўллар,  
Бугун осийшга эҳсонингда  
Мангу олов бўлиб яшайди ўлар!  
Гўдақларнинг шакар уйлариди,  
Улар заволи йўқ шондай яшайди,  
Онларнинг гаҳлар орзулариди  
Улар заволи йўқ шондай яшайди!  
Мен ноҳун аялман сендан меҳнатин,  
Токи талқон қилар пайтим бу ахир,  
Мен кўмасб келганим — энг олий

Бахтим,  
Ватан, келажакнинг, бахтин биландир.  
Ватанга топниқим ҳаётим билан,  
Илк севгим, илк аҳдим, бор ишим билан,  
Ундан рағбат кутдим, ўйлатдим ўн,  
Шодлик, ғамим билан, ташвишим билан,  
Бошимни силди мунаввар дийр,  
Даври-даврон тилаб, омонлик тилаб,  
Нилқоддай барқ уриб ўсам бахтир,  
Дилда орзуларим гулчалар, гуллаб,  
Бугун онларнинг алласин тинглаб,  
Гўдақлар ўсаркан беғам, беғармон,  
Улар истиқболни кўшга тенглаб,  
Юракка аланга солар ҳазинот;  
Батқ кўши кўнганда ўгли бошга,  
Тўк кўнганда бир кун суюқлик қизи,  
Онанинг суюниб тўканки шига  
Илма бақор келар, тинмасас ўзи!  
Мен бугун тўйларинг доғруғ бўлиб,  
Сингиб бормоқдайман дилларга тамом,  
Марди-майдонларнинг йўриги бўлиб,  
Шоғирини солар дилларга қўқом,  
Ватаним! Навқирон ёлдасан бугун,  
Сен бугун янги ёш, бошқасан бугун!  
Қатта оламда обрусин баланд —  
Ватаним-турруми ва фахрим билан  
Кўзлай сени, шонли бахтин муборақ!  
Кўзату икроминг, тахтин муборақ!  
Кайта тинга кирган шаҳарлар ҳақиқ,  
Судай оқ кечалар, саҳарлар ҳақиқ,  
Кўшга юз тутган ўлханлар ҳақиқ,  
Унрда илк бора кўнганлар ҳақиқ,  
Чинрама шарған шу Ешлик учур,  
Дилларин кенг қилган қардошлик учур  
Баҳор ва гул учун сенига бир умр  
Эй, одий Инқилоб таъзим,

ташанқур!  
Михайл ЮХМА,  
Чувашистон АССР

## ОҒАТҮЙ—БАҲОР БАЙРАМИ

Сурнай мисол сержаранг «Оғатуй» сўзини кўринг!  
Гар ўзин мард билсангиз тез отга мининг, ботир!  
Хўз саройинг ёнга бориб қаторга туринг,  
Кўй кўзлик чуваш қизи ишора қилар ҳазир.

Аргумоғини, ғайрат қил, еллардан ҳам ўзиб кет,  
Махлиб бўлиб қолсин чуваш соҳибнамолни,  
Ғолиб чўқмас, қанқидим, гул кўз келиб бетма-бет —  
Ташласейди елкама гул кўнор рўмолик.

«Оғатуй» сўзини кўринг, сурнай каби сержаранг!  
Гар ўзин мард десангиз, отга мининг, эй ботир!  
Ишора ила отлар ўқдай ўчоқда, қаранг,  
Тўёк теккан жойларда чаплар гулриб ётир.

Қолиб кетсин ортингда афсонавий тулпорлар,  
Жуда учқурлар улар буюми эрталардан,  
Бўлғанда ҳам етолай қолшадир ноҳорлар,  
Алам-на ер тепкичи, сўлқич чайнаб нардан.

Сен учқур бўлсанг, мен ҳам қанот қиларман пайдо,  
Кўш мисоли елармиг асо орта қайтмасдан,  
Тинглайли, тўғингдан «така-таки» чўққан садо  
Сурнай садоси билан бўлиб кетимиз пайваста!

«Оғатуй» сўзи тенгсиз, сурнай каби сержаранг,  
Мардман денсангиз агар отга мининг, ҳой ботир,  
Гоҳи тоқча чинақим, гоҳ қўлқим из — қир даре;  
Кўраш қўнқин, майлига, бизлар барига қодир!

Сен рўмолиниг силқитдинг... Суврун ҳоқимтас менга,  
Йўй, сенинг севгининг деб елмоқданам, билиб қўй!  
Тўғимизда, албатта, ўшбу сурнай чалинган,  
Омон бўлсанг, дилдорим, янаб турса оғатуй!

Муҳаммад АЛИ таржимасин.

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА ТАЎНДИР

# ТАЎНДИР

Кўзон болалар уйига бир ишчи кириб келди.  
— Детдомдаги болалардан бораётган ёшисиз, мен ҳам бирортасини тарбияласам деб келдим, — деди у директорга.  
Бу одам кўрнанидан ваэин, хушфела эди. Аммо директор бир лаҳза унга тикилиб қолди. Шу турунда у қаринидаги нотаниш кишининг ўйларини, мақсадларини ўқиб олишга уринар эди.  
— Фарзандингиз йўқми? — сўради директор.  
— Бор. Виттагина ўғлимиз бор. Хўй десангиз, бирорта қизалоқни олиб кетсам. Уғлим билан эш-қўш, биз билан гангир-гунгур бўлиб юрарди. Рафқанам ҳам қизимиз йўқ, қиз бола беришсин дедди.  
Бу одам Риштоннинг олди кулолчиси Ортиқбой Отабоев эди. Уша кунларда уруш марраларидан келтирилган беғуноҳ гўдақларнинг бошига тушган мусибатини тушунишиб, уларга бағрини очган минглардан бири эди у.  
Директор рози бўлди. Хонага 5-6 ёшдаги қизалоқни олиб киришди.

## ОЧЕРК

— Шу юнчи дадан булади лар, сени олиб кетмоқчилар, кетасанми? — сўради директор. Қизча «йўқ» ишорасини қилиб бош чайқайди-да, сиз каравотнинг орқасига ўтиб беркиниб олди.  
— Мава буни ол, қизим, — деди Ортиқбой ана белбоғидан бир дона анор чиқарар экан. Ася Анорага тикилиб қолди. Аммо уни олишга ботинолмади.  
— Ол, олақол! Сенига олиб келганим, — деди Ортиқбой ана, — уйишида бунақаси жуда кўп қилди. Ўринг, ёнғоқ — ҳаммаеи бор. У ерда сени аянг кутиб турибдилар. Набижон деган аканг ҳам бор. Борсанг, бирга ўйнайсилар.  
— Урмайдишми? — сўради Ася.  
— Йўй, урмайди. У яхши бола, ҳечам урмайди. Ася бир оз бўшагандай бўлди. Аммо қийиқлар келтирилганда, бормайман, деб йнглаб туриб олди.

Ортиқбой ана Қўзонда бир ҳафта қолиб кетди. Ҳар кунин болалар уйига уч марта келадиги ёрталаб, тушда, кечқурун. Ҳар сафар Асяга ширинликни, ўйинчоқни — бирор нарса қўтариб келадди. У билан ўқдан-бўғидан гаплашарди. Кетганда унда эса «Сен еримасдан ўйнаб юратиб, мен яна келаман» деб, боланинг кўнглини овлайди.  
Еттинчи кун у Асяга жуда чиройли қўйлақ, енгилгина ботинча, костюм олиб келди. Энди Ася ҳам, бошқа болалар ҳам Ортиқбой анага ўрганган қолган эдилар. Шунинг учун энидангидирин билан болалар куршал олишди. Ася бўлса сал нарида, бари бир мен чакради деган ўй билан кўнмисираб қараб турарди.  
Ортиқбой ана қўнқайиб ўтирди-да, қўлвадиги буюмларини ерга қўйди. Кейин кенг кучоқ очиб Асяни чақирди:  
— Кел, она қизим. Кел, оппоғим!  
Ася ҳам тортиниб ўтирмади. Югуриб келиб, узини Ортиқбой аканинг кучоқига отди. Уша кун улар Риштонга жўнадилар.  
Адолат онаси Хуринисодек

сўз, тиришқоқ иез бўлди. Худди олов! 8-синфин битирини билан механизаторлар мактабига бораман, деб туриб олди. Комсомолларнинг «Механизатория қасбини ағалани!» деган чақириқ билан республикада ёшларига муромат қилишни Адолатда ҳам янги орау туғдирган эди. Ахир — бу дарв талаба. Ҳозирги куннинг кенг қўламадаги улкан шиларини механизаторияга амалга ошириб бўлариди.  
Адолат 8-синфин тугатай деб турганда, Мирзаўлдаги «Фаргона» совхозидан хат олди. Хат мактабидини Қаримахон Пулатовдан эди. Янги совхозда янги ишлар, худди Адолатга ўхшаган олов қизлар ҳақида ёзди, унинг ўзини меҳмондорчиликка таклиф қилибди.  
Адолат мактабин тугатди-ю, дадасини кўради-қўймай Мирзаўлга олиб келди. Бир ой ўтар-ўтмас фақат дадасини эмас, онасини ҳам Мирзаўлга қўлишга кўндирди.  
Ҳаши-наш дегунча Мирзаўлда тракторчиликни ҳам ағалаб олди. Ота-она қурилишда, Адолат эса пахта далаида механизатор бўлиб иш бошлади.  
Аммо биринчи йилги натижадан Адолатнинг кўнгли «қўлама»да. Ҳар ҳеч ним уш қўламага гард юртирмадан олиб юрариди.  
Ниҳоят, уларда бир фикр туғилди: Хуринисо билан Набижонни қовутирсан-қўй! Улар бир-бирига лойиқ-нў. Нигит бўлса — Набижондай бўлар, қиз бўлса — Хуринисодай бўлар!  
Бу гап ҳаммага маъзул бўлди. Нигит билан қиз ҳам барабарига «майли» дейишди. Ортиқбой кулол катта тўй қилиб берди.  
Улар ширингина қизалоқ кўрниси, Исминин Адолат қўйдилар.  
Адолат онаси Хуринисодек

Далада мезон учган дамлар келди. Адолат янги парвозга тайёрланар эди. Тажрибали механизаторлар ҳам унга исбатан бепарво бўлмадилар. Ниҳоят, биринчи ғалаба қўлга киритилди — Адолат Ортиқова 150 тонна пахта терди. Бу — 17 ёшлик қизнинг улкан зафар олдидан қилган чинақам машқи эди.  
Бир вақтлар Набижон билан Хуринисо худди Адолат сингари ёш, шиддаткор, олов эдилар. Энди бу сифатлар Адолатга қўчган. Келинг, яхши-си, унинг совхоз комсомоллари йнгилишида айтган гапларидан бир неча қалимасини айнан келтирайлик:  
— Мен бир нарсгага ажабланиб ўтирибман. Ҳама Ингитерм мавсуми олдидан катта маъбурият оялти-ю, ҳеч ним ўзинга, уни қандай қилиб бажараман, деган саволини бажармайди. Орамизда ёш механизаторлар бор. Айнақса, қизлар машина юргизишу тўхташганга ўхшаган эш осон нарсаларни билишадил, ҳоло. Санамай саниқиз деймайли. Аввал машина мункаммай ўрганайли. Қанчонга у бўлиб қолганда йнгиларга ялиниб юрасан! Директордан илтимос қилайлик, малама ошириш курси очиб берсин!  
Айнақса, ўларнинг йнгилардан қолшмайми, деб юрган қизларга бу гап маъзул бўлди. Бойлардан ҳам кейинроқ ташаббусга қўшилдилар. Техникани чинақамгина ағалаб ҳаракатни ана шундай бошлади.  
1972 йилда Адолат комплексы механизаторларини бритада бошлиқ қилиб тайинланди.

Бригадада 120 гектар ер беришқилди. Ёшлар пахтазорининг ҳар гектариндан 30 центнердан ҳосил кўтаришга ақд қилишди. Адолатнинг ўзи мавсумда 200 тонна пахта теришга сўз берди. Бунга эшитиб Хуринисо энда жуда қувонди. Ахир қизда техникага ҳавас ўйотган шахдамлик, дидлилик, ченимасликка ўргатган унинг ўзи эди-да.  
Она ана шу хайлар оғунида эриб, қизининг рўбаросида ўтирарди. Адолат эса пластинкаларин титилар, афтидан, энг кераклисина тополмасди. Ниҳоят, у радиолани куйлатиб юборди, кўндан таниш кўшнни янгради. Айнақса, мава бу жоби Адолатга ёнради:  
Айда Галатя и Султан, Украина и Узбекистан!  
Бу кўшнчи онага ҳам ёқарди. Гўё кўшнчи украин қизи Ася билан ўзбек йнгити Набижоннинг тақдирдан хабардор, ҳозир уларнинг бахтини куйлаётгандай. Рост, бу дўстлик бўлмаганида бомбалар даҳшат солиб ёрилиб турган жойида — ўт ичида қолган қичина Ася шу кунларга етиб келариди. Шу дўстлик бўлмаганида мава бу қизгинаси дунё юзини кўрариди!  
Шуларини ўйлади-да, она ўз тақдириндан маънун бўлиб, қалб ширин хисларга тўлди. Қизини бағрига босиб сочларини силди, юрагининг аллақаври зирқ этиб, кўзларин намланди. Одатда, одам қаттиқ қувонганда шундай бўлади.  
Самирноқ СУЛТОНОВ,  
Сирдарё области.

